

№ 01-07/15
23.09.2022 й.

ТАСДИҚЛАЙМАН
Ўзбекистон Республикаси
“Ўзархив” агентлиги
директори



У.М. Юсупов

2022 йил 23 сентябрь

Тадбиркорлар учун бизнес жараёнларида қоғозбозликни қисқартириш
юзасидан тадбиркорлар билан учрашув
БАЁНИ

2022 йил 23 сентябрь

Наманган ш.

Қатнашдилар:

Ш. Садиков

“Ўзархив” агентлиги директори

ўринбосари;

Н. Аҳмадалиев

Наманган вилояти архив иши ҳудудий
бошқармаси бошлиғи;

М. Абдуллаева

Уйчи туман давлат архиви директори;

Тадбиркорлар:

М. Юсупов

“Туркистон” кичик корхонаси раҳбари;

К. Хожидедаев

“Мега саноат савдо” хусусий корхонаси
раҳбари;

И. Лукмонхўжаев

“Уйчи жаҳон қурилиш” МЧЖ

директори;

З. Абдуллаев

“Исраилжанов Сардор Мирзажанович”
фермер хўжалиги раиси;

Таклиф қилинганлар:

Т. Халилов

Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси

Наманган вилояти ҳудудий бўлими

бошлиғи.

КУН ТАРТИБИ:

Бизнес учун ҳужжатларни қоғоз шаклида сақлаш ва давлат идораларига топшириш амалиётини тадбиркорлар иштирокида кенг муҳокама қилиш тўғрисида.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йил 30 августдаги ПҚ-364-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан “очиқ мулоқоти”да белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” 21 бандида Тадбиркорлар учун бизнес жараёнларида қоғозбозликни қисқартириш: Бизнес учун ҳужжатларни (*шу жумладан архив, банк, солиқ, статистика соҳаларида юритиладиган ёки тегишли давлат хизматларини олишда фойдаланиладиган ҳужжатларни*) қоғоз шаклида сақлаш ва давлат идораларига топшириш амалиётини тадбиркорлар иштирокида кенг муҳокама қилиш ва тўлиқ хатловдан ўтказиш белгиланган.

“Ўзархив” агентлиги томонидан топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик субъектлари томонидан архив ҳужжатларини сақлаш ва давлат архивларида топшириш бўйича учрайдиган муаммолар ва таклифлар юзасидан 2022 йил 23 сентябрь 10-30 дан 12-00 гача тадбиркорлар иштирокида Zoom платформаси орқали мулоқот ўтказилиши ҳақида Агентлик расмий веб-сайтига эълон жойлаштирилди.

Шунингдек, “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари Ш.Садиков томонидан 2022 йил 23 сентябрь куни Наманган вилоятида бир қатор тадбиркорлар иштирокида учрашув ўтказилди.

Учрашувда иштирок этган тадбиркорларни қизиқтирган саволлар, хусусан, тадбиркорлик субъектлари томонидан шаклланган ҳужжатни сақлаш ва уларни архивга топшириш шартлари, қонунчиликда белгиланган талаблар бўйича маълумот бериш юзасидан қуйидагилар маълум қилинди:

Ўзбекистон Республикасининг “Архив иши тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ нодавлат корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг архив ҳужжатлари, шунингдек жисмоний шахсларнинг шахсий архив ҳужжатлари уларнинг хусусий мулки ҳисобланиши;

мазкур Қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 482-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди тўғрисида Низомга асосан нодавлат корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бирлашмалар тугатилганда ёки шахсий архив ҳужжатлари эгаси вафот этганда, ворислар ва қонуний меросхўрлар бўлмаган тақдирда уларнинг ҳужжатлари давлат мулкига ўтказилиб, сақлаш учун давлат ёки нодавлат архивларига топширилиши белгиланганлиги;

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги 101-сон қарори билан тасдиқланган Архив ҳужжатларини жамлаш, давлат ҳисобига олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низомга мувофиқ нодавлат ташкилотлари ва жисмоний шахслар томонидан архив ҳужжатларини доимий ёки депозитар сақлов учун архивга топшириш, сақлаш ва фойдаланиш шартлари архив ва мулкдор ёки кўрсатилган ҳужжатлар эгаси ўртасида тузилган шартномага асосан амалга оширилиши;

Архивда сақлаш учун танлаб олинган ҳужжатларни топшириш тўғрисидаги қарор ташкилотнинг эксперт комиссияси томонидан қабул қилиниши.

Шунингдек, бугунги кунда архив иши соҳасидаги қонунчиликка мувофиқ тадбиркорлик субъектлари тугатилганда уларнинг фаолияти натижасида ташкил топган ихтиёрий тақдим этилган қоғоз ёки электрон шаклдаги архив ҳужжатлари тузилган шартнома асосида давлат ёки нодавлат архивларига сақловга топшириш мумкинлиги тушунтирилди.

Учрашув давомида, тадбиркорлар томонидан ташкилотда фаолият юритган ходимларининг келгусида маълумотга зарурияти туғилиши мумкинлиги сабаб асосан шахсий таркиб бўйича ҳужжатларини архивларга топшириш эҳтиёжи мавжудлиги билдирилди. Шу билан бирга ташкилот тугатилаётганда ҳужжатларини электрон шаклда тизим орқали қабул қилиш имкониятларини кўриб чиқиш таклифи берилди.


2. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ўз тизимидаги давлат архивларида тадбиркорлар иштирокида доимий равишда учрашувлар ташкил этиб борсинлар. Унда тадбиркорлик субъектларининг фаолияти натижасида ташкил топган ҳужжатларини сақлаш, давлат сақловига топшириш масаласида услубий ёрдам кўрсатиш ҳамда архив иши соҳасида қонунчилик ҳужжатлари бўйича маълумот ва тушунчалар бериш чораларини кўрсинлар.

“Ўзархив” агентлиги
директори ўринбосари



Ш. Садиков

Баённома тузувчи:
Наманган вилояти архив иши
ҳудудий бошқармаси бошлиғи



Н. Ахмадалиев